

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 04/30.12.2019.Tib.29.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АТАДЖАНОВА ШАИРА ХАЛИЛОВНА

**ЎСМИР ҚИЗЛАРДАГИ ТЕМИР ТАНҚИСЛИГИ КАМҚОНЛИГИНИНГ
ПАТОГЕНЕТИК АСОСЛАРИ**

14.00.09 – Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the abstract of Doctor of Philosophy (PhD)

Атаджанова Шаира Халиловна

Ўсмир кизларда темир танқислиги

камқонлигининг патогенетик асослари..... 3

Атаджанова Шаира Халиловна

Патогенетические аспекты железодефицитной

анемии у девочек – подростков..... 25

Atadjanova Shaira Khalilovna

Pathogenetic aspects of iron deficiency

anemia in adolescent girls..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 51

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 04/30.12.2019.Tib.29.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АТАДЖАНОВА ШАИРА ХАЛИЛОВНА

**ЎСМИР ҚИЗЛАРДАГИ ТЕМИР ТАНҚИСЛИГИ КАМҚОНЛИГИНИНГ
ПАТОГЕНЕТИК АСОСЛАРИ**

14.00.09 – Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Tib824 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tashpmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Арзикулов Абдураим Шамшиевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Шомансурова Эльмира Амануллаевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Сулайманова Дилором Нагаловна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент Тиббиёт Академияси

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «12» ноябрь куни соат 13⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Боғишамол кўчаси 223-уй. Тел./факс: (+99871) 262-33-14; e-mail: mail@tashpmi.uz).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (539 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Боғишамол кўчаси 223-уй. Тел./факс: (+99871) 262-33-14.


Диссертация автореферати 2021 йил «1» ноябрь куни тарқатилди.
(2021 йил «1» ноябрь даги 116 рақамли реестр баённомаси).




А.В. Алимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

К.Н. Хаитов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.И. Ахмедова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор



КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда аҳолининг турли қатламлари орасида темир танқислиги анемияси ўсмир қизларнинг орасида ҳар учта ўсмирдан бирида учраши бу касалликнинг иккинчи пикига (биринчи пики болаларда 6 ойликдан 3 ёшгача) тўғри келади ва ўзининг асоратлари билан уларнинг ҳаёт сифатига таъсир этиши билан бутун дунёда жиддий тиббий ва ижтимоий муаммо сифатида аҳамият касб этмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра аҳолининг 40% дан зиёроғида темир танқислиги анемияси (ТТА) нинг аниқланиши муаммо тиббий қамров чегараларидан чиқиб, бу масаланинг давлат даражасида ҳал қилиш заруриятини кўрсатмоқда¹. Муаммонинг долзарблиги нафақат унинг кенг тарқалганлиги билан, шунингдек унда политизимли бузилишлар, ички аъзолар дистрофиясининг авж олиши билан ҳам белгиланмоқда, бу катталар ва болаларнинг паст жисмоний ва ақлий лаёқатида жуда аниқ намоён бўлмоқда. Шу жиҳатдан ҳам ушбу муаммонинг дунёнинг барча мамлакатларида мавжудлиги, юқори хавф гуруҳига кирувчи ўсмир ёшидаги қизлар ўртасида анемиянинг хилма-хиллиги, уларнинг осонгина юзага келиши ва оғир кечиши, уларнинг географик, ижтимоий – маиший яшаш шароитлари, уларнинг ёши-жинсий характери, жисмоний ва жинсий ривожланишига боғлиқ равишда ТТАнинг частотаси ва ривожланиш қонуниятлари бўйича маълумотларни мунтазам янгилаб туришни, эрта прогнозлаш, профилактика қилиш, даволаш усулларини самарадорлигини оширишни тақозо этмоқда.

Жаҳонда ўсмир ёшида қизлар орасида темир танқислиги анемиясини олдини олиш, эрта ташхислаш, даволашни такомиллаштириш, уларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш, улар орасида жисмоний ва жинсий ривожланишининг бузилишини олдини олиш, уларга кўрсатилаётган тиббий хизматни сифатли олиб боришга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Болалар ва ўсмирлар жисмоний ривожланиш кўрсаткичларини аниқлаш технологиялари (ЖССТ-2006, Anthro-2009)дан унумли фойдаланиш, касаллик даражасини камайтириши, ўсмир қизлар орасида гиподинамияни олдини олиш, овқатланиш рационини биологик фаол кўшимчалар (БФК) билан бойитиш, репродуктив тизим фаолиятини, бўлғуси оналар ҳаёти учун муҳим аъзолар функциясини баҳолаш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан болалик давридаёқ қизларга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, улар орасида танқислик камқонлигини эрта аниқлаш, камайтириш борасида кенг қамровли ислохатлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси 1-иловага мувофиқ; «...фармацевтика тармоғини янада

¹ ЖССТ маълумотлари

ривожлантириш, нарх шаклланиши механизмларини такомиллаштириш, дори воситалари, тиббий техника ва буюмлар ишлаб чиқариш ҳажми ва турларини кенгайтириш»² каби устувор вазифалар белгиланган. Шунга мувофиқ, аҳоли орасида ТТАни фаол аниқлаш, нафақат темир препаратлари билан, балки бошқа дори воситалари, хусусан, темир, витаминлар ва макроэлементларнинг сўрилишига ёрдам берувчи промоторлар билан бирламчи профилактик ва даво тадбирларини олиб бориш зарурияти қайд этилади. Темир танқислиги камқонлигини ўсмирлар орасида камайтириш, замонавий технологияларни тадбиқ этиш, ўсмир қизларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган ташхислаш ва даволашнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохатлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 8 ноябрдаги ПҚ-4513-сон «Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтириш тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кейинги йилларда ўсмир қизлардаги темир танқислиги анемиясига бағишланган илмий ишлар ўрганилаётган муаммога тизимли ёндашув билан ажралиб туради. Яқин [Васечкина Л.И. 2015, Бокова Т.А. 2014, Румянцев А.Г. 2015] ва узоқ [Tomoum H, Nabeeb N, Elagouza I, Mobarez N. Paediatric 2018] хориж олимларининг ишлари алоҳида эътиборга молик. Эпидемиологик тадқиқотлардаги маълумотларга кўра, ТТА нинг хатто бир давлат чегараларидаги тарқалганлиги бир хил эмас, ва кўп жиҳатдан экологик-ишлаб чиқариш, иқлим-географик яшаш шароитларига боғлиқ бўлади. [Сулайманова Д.Н.2015; Фармонкулов Х.К. 2006; Сулайманова Д.Н.2018]. ТТА нинг ривожланишига мойил бўлган гуруҳга болалар ва ўсмирлар, айниқса қизлар киради [Сулайманова Д.Н. 2017, Нарметова М.У., Раимова Д.У. и др.2019].

Педиатриянинг энг муҳим йўналишларидан бири ўсмирларга хизмат кўрсатиш ёки гебиатрия – яъни тиббиётнинг жинсий етилиш, катта бўлиш,

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сонли «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори.

шунингдек ўсмирлик даврига хос бўлган ўзига хос касалликларни ўрганувчи бўлими ҳисобланади. Пубертат давр ўсиш даврига хос физиологик кўтарилиш фонида организмнинг кучли вегетатив, эндокрин ва иммун қайта қурилиши, шунингдек, руҳий –ижтимоий адаптациянинг бузилишлари билан шартланадиган ўзининг ноёб хусусиятларига эга. Айнан шу даврда кўплаб транзитор функционал бузилишлар ва аввал яширин ҳолатда бўлган органик нуқсонлар юзага чиқади: клиник ҳолатларнинг кенг спектрига эга бўлган гипоталамик дисфункция (вегетатив қон томир дистонияси, метаболик синдром ва ш.к.), бириктирувчи тўқималарнинг туғма нуқсони (висцероптоз, бўғимлар гипермобиллиги, остеохондроз ва б.), бу ташқи муҳитга мослашувнинг (адаптация) пасайишига сабаб бўлади. Организмда темир моддасининг камайиши гемоглобин ҳосил бўлишининг бузилиши ва унинг синтезланиш суръатларининг пасайиши, эритроцитларда эркин протопорфириннинг тўпланиши, гипохром анемия ва аъзолар ва тўқималарда трофик бузилишларга олиб келади. [БоковаТ.А.2014, Okam MM, Koch TA, Tran MH 2017.].

Ўзбекистон олимлари ва тадқиқотчилари мазкур патологияни ўрганишга сезиларли ҳисса қўшдиларки, бу ишларнинг бошида турган профессор А.В. Алимов, профессор С.М. Бахрамов, академик АН РУз Т.А. Даминов, профессор А.А. Бугланов, профессорлар Д.Н.Сулейманова ва Х.К.Фармонқуловларнинг илмий мактабида давом эттирилди. Ўзбекистонда ўсмир қизларда темир моддаси танқислигининг ривожланиш хавфи омиллари, унинг эпидемиологияси, сурункали гастродуоденал патологиялар ва бошқа сурункали касалликлар мавжудлигида ТТА ни коррекциялаш йўллари ўрганилди [Турдиева Ш.Т.2014, Nagelkerke, S.Q.; Bruggeman, C.W 2018].

Темир моддасига бўлган талабнинг ортиши, унинг депонацияланишининг пасайиши, жисмоний ва жинсий ривожланишнинг юқори суръатлари, сурункали қон йўқотилиши – menarche [Зиглер Э.Б. 1999, Ковалева Л.2001, Назаров К.Д.2003, Mattiello V, Schmutz M, Hengartner N.2020]сабабли юзага келадиган алиментар танқисликни тадқиқотчилар ўсмирлик даврида ТТА нинг умумий тан олинган сабаблари сифатида баҳолайдилар. Аммо, бу даврда ТТАни келтириб чиқарувчи барча омиллар ҳам бир хил бўлавермайди, ўсиш омилларининг ўсмирлар ферростатусига таъсири яхши ўрганилмаган [Румянцев А.Г.2011., Mantadakis.,2020]. Баъзи муаллифлар ТТА мактаб ўқувчилари орасида жисмоний ривожланиш кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатади, ва бунда улар орасида жисмоний ва жинсий ривожланишда орқада қолувчилар (ретардацияланганлар) сонини орттиради, деб ҳисоблайдилар [Тарасова И.С. 2011, Zlotkin S, PenaRosas JP, Velazquez FB.2018.], бошқалари эса латент темиртанқислиги анемиясининг янада оғирлашуви (ЛТА) сабабли ТТА манифестациясида зўр бериб ўсиш ва ривожланишни “айбдор” деб биладилар [Турсунова Н.А. 2004, Wieringa FT 2017.].

Юқорида айтилганларнинг ҳаммаси ҳисобга олинса, муаммо долзарб бўлиб, шу муносабатда темир танқислиги мавжуд бўлган ўсмирлар устидан

диспансер назоратининг такомиллашган усулларини аниқлаштириш ва бемор мактаб ўқувчиларининг гемоглобин соғломлаштириш бўйича касалликнинг бошланғич босқичларидаёқ ташхислаш, профилактикаси, терапияси, соғлом овқатланиш ва турмуш тарзининг янада самарали усулларини тадбиқ этиб илмий тадқиқотлар олиб бориш зарурати мавжуд.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режаси “Биоферрон биологик фаол қўшимчани ишлаб чиқариш” START AP бўйича инновацион лойиҳа доирасида амалга оширилган (2020-2021 гг.).

Тадқиқотнинг мақсади 12-14 ёшли ўсмир қизлардаги темир танқислигининг патогенетик асосларини жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари билан ўзаро боғлиқликда аниқлаш, улар учун ТТАнинг бирламчи профилактикаси ва коррекциясининг оптимал йўллари ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

12-14 ёшли ўсмир қизларда ТТА кечишининг патогенетик асосларини аниқлаш;

периферик қон ва темир алмашинуви кўрсаткичларининг жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари билан ўзаро боғлиқлигини патогенетик хусусиятларини аниқлаш;

периферик қон ва темир алмашинуви кўрсаткичларининг 12-14 ёшли ўсмир қизларда жисмоний ва жинсий ривожланишнинг патогенетик хусусиятларига ўзаро боғлиқ равишда тавсифлаш;

энг яқин ва узоқ назорат (6 ой ва 1 йилдан кейин) муддатларида “Биоферрон” ва “Феррум-Лек” препаратларини профилактик ва даво мақсадларида қўллаш жараёнида периферик қон ва темир алмашинуви кўрсаткичларининг динамикасини таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Андижон шаҳар 24-мактабининг 2010-2011 ва 2011-2012 ўқув йиллар давомида 12-14 ёшдаги 126 нафар темиртанқислиги камқонлиги бўлган бемор ўсмир қизлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида биокимёвий текширувлар учун ТТАси бўлган ўсмир қизлардан тоза қон ва зардоб олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумий клиник, инструментал, биокимёвий ва статистик усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк маротаба темир моддаси танқислигининг юзага келиш босқичига боғлиқ равишда ўсмир қизларда периферик қон ва темир алмашинуви кўрсаткичларининг алоҳида хусусиятлари (саломатлик → ЛТА → ТТА I → ТТА II оғирлик даражалари) исботланган;

илк бор оғирлик даражаси ва темир танқислиги ўткирлигига боғлиқ равишда ўсмир қизлардаги ТТАнинг синдромал тавсифининг хусусиятлари аниқланиб, ТТАнинг шаклланишида ҳар бир синдром ва аломатнинг салмоқ кўрсаткичлари ва прогностика қийматлари исботланган;

илк маротаба ўсмир қизларнинг соматик ривожланиш тури, ўсиш

йўналишлари, жисмоний ривожланиш кўрсаткичларидаги ноуйғунлик (дисгармония) га боғлиқ равишда улардаги периферик қон ва темир алмашинуви кўрсаткичларининг хусусиятлари исботланган;

12-14 ёшли ТТАси бор бўлган ўсмир қизларда жадал даврийлик, бир циклнинг узоқ давом этиши ва унда йўқотиладиган қоннинг кўплиги билан кечадиган дастлабки менструациянинг эрта пайдо бўлишига мойиллик исботланган.

гематокрит индекси (ГИ) ва гемоглобин солиштирма миқдорининг (ГСМ) камайишига олиб келувчи айланаётган қон хажмининг (АҚХ) ёшга қараб ортишига боғлиқ равишда ўсмир қизларда ТТАнинг ривожланиши исботланган.

12-14 ёшли ўсмир қизларда темир танқислигини коррекциялашда профилактика мақсадлари каби даволаш мақсадларида ҳам “Биоферрон” препаратини қўллашнинг етарли даражадаги самарадорлиги, хавфсизлиги исботлаб берилди.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

амалий гебиатрия учун мавжуд тавсиялар асосида ўсмир қизларда ТТА скрининг-ташҳиси учун анкета-сўровнома тавсия этилган;

12-14 ёшли ўсмир қизларда периферик қон ва темир алмашинуви кўрсаткичларининг темир танқислиги (ЛТА, I-II даража оғирликдаги ТТА) юзага келиши даврида АҚХ нинг ёш катта бўлган сари ортиши, эритроцитлар ва гемоглобин, ГИ (л/л), ГСМ (г/л) нинг пасайиши билан боғлиқ ҳолда ташҳис жиҳатдан аҳамиятлилиги кўрсатилган;

ўсмир қизларда ТТА профилактикаси ва уни даволашни амалга ошириш учун ўсмир қизлар устидан ўтказиладиган назоратнинг босқичли ва динамиклигини ҳисобга олган ҳолда темир танқислигини даволаш ва профилактика қилишнинг тахминий схемаси тузилган ва тақлиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндошув ва усуллар назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг, услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сони етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилгани, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланган, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти соматик ривожланиш тури, ўсиш йўналиши, жисмоний ривожланиш кўрсаткичларидаги ноуйғунликга боғлиқ равишда улардаги периферик қон ва ундаги темир алмашинуви кўрсаткичларининг хусусиятларини ва уларнинг оғишларини схемалар ва жадваллар ёрдамида ўрганиш, ташҳислаш, тайёрлаш ва юритиш соҳасида назарий билимлар қўламининг кенгайиши, темиртанқислиги камқонлиги оғирлигини белгиловчи ўзига хос аломатлар ва таъсирчан синдромларни ажратиш кўрсатган ҳолда репрезентатив танланган илмий тадқиқотларни ўтказиш, ўсмир қизлар орасида темир танқислиги камқонлигини камайтириш

ўртасидаги боғлиқликнинг исботланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти темиртанқислиги камқонлиги шаклланиши хавфи юкори булган ўсмир қизларни эрта аниқлаш, темиртанқислиги камқонлиги асоратларини олдини олиш, сурункали ички касалликлари сонини пасайишига таъсир қилган ҳамда ногиронликни камайиши ва ушбу тоифадаги аҳолининг хаёт сифатини яхшилаш имконини яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўсмир қизларда темиртанқислиги анемиясини профилактикаси ва даволашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ўсмир қизлардаги темир танқислиги камқонлигини дастлабки профилактикасини амалга ошириш ва даволаш асосида ишлаб чиқилган “Анемияга қарши ва яллиғланишга қарши таъсирга эга бўлган доривор шарбат учун ингредиентлар композицияси” мавзуси бўйича Интеллектуал мулк агентлигида ихтиро учун № IAP 05345 08.02.2017й. патент олинган. Ушбу кашфиёт темир танқислигининг даражаси огир бўлмаган шакллари - ЛТА ва 1-даражали ТТАнинг дастлабки профилактикаси ва терапияси учун ундан фойдаланиш имконини берган;

ўсмир қизларнинг гемоглобин жихатдан соғломлаштириш, улар ўртасида темир танқислиги камқонлигини прогнозлаш, камайтириш асосида ишлаб чиқилган “Ўсмир қизларда темир танқислиги анемиясида Биоферронни қўллаш усули” номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 27 ноябрдаги 8н-р/542-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома ўсмир қизлар устидан назоратнинг босқичлилиги ва динамиклигини эътиборга олган холда темир танқислигини даволаш ва профилактика қилишнинг тахминий схемаси ёрдамида уларнинг жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари ва периферик қон кўрсаткичларни динамик ўрганиш имконини берган;

темир танқислиги мавжуд ўсмир қизлар устидан назоратни юритиш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Андижон, Фарғона ва Наманган вилоят соғлиқни сақлаш тизимининг амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 18 сентябрдаги №8н-д/132 – сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларни амалиётга жорий қилиниши ўсмир қизлар ўртасидаги темир танқислиги камқонлигида маҳаллий биологик фаол қўшимча “Биоферрон”нинг импорт-“Феррум-Лек” препаратига нисбатан самарадорлиги исботланган, олинган илмий натижаларни амалиётга жорий қилиниши даволаш харажатларини 4 баробарга тежалиши ва стационарда бўлиш даврини камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8та илмий анжуманда муҳокама қилинган, жумладан 5 та республика ва 3та халқаро ва илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 41 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан, 11таси республика ва 3таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ҳамда 149 фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Бундан МДХ- 79; чет эл-70. Диссертацияда 27та расм ва 18та жадвал бўлиб, ҳажми 122 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва талабгирлиги асослаб берилган, тадқиқот объекти ва предметининг республика илм-фани ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти очиб берилган, ишнинг эълон қилинган натижаларини тадбиқ этилиши, апробация қилиниши, диссертация ҳажми ва структураси тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ўсмир қизларда темир танқислиги камқонлигининг патогенетик асослари”** деб номланган биринчи бобида хориж ва мамлакатимиз адабиётлари мисолида адабий маълумотлар шарҳи келтирилган, ўсмир қизлардаги ТТА ни аниқлашнинг эпидемиологияси, этиологияси, патогенези тўғрисидаги ҳозирги тасаввурлар таҳлили ўтказилган, шунингдек, ўсмир қизлардаги анемияга оид масалалар ўрганилган нашрлар шарҳи амалга оширилган, уларнинг аналоглари ёритилган, уларнинг афзалликлари ва камчиликлари ҳолис баҳоланган. Олиб борилган таҳлил натижалари тадқиқотнинг долзарблиги, мақсади ва вазифаларини асослаб берди.

Диссертациянинг **“Ўсмир қизларда темир танқислиги камқонлигининг патогенетик асослари”** деб номланган иккинчи боби клиник материал тавсифномаси ва тадқиқот усуллари бағишланган. Мактаб ўқувчилари ўртасида темир танқислигини аниқлаш учун рандомизация усулидан фойдаланилган. ТТАни проспектив узоқ муддатли кузатиш ва профилактик терапияси учун 12-14 ёшли 126 қиз танлаб олинди, улар шунга мувофиқ ЛТА (45), 1-даражали ТТА (56), 2-даражали ТТА (25). Ўқувчи қизларнинг назорат гуруҳига ўхшаш ёшдаги 51 та қиз киритилган бўлиб, уларда темир танқислигининг клиник-лаборатория аломатлари кузатилмаган.

Мактаб ўқувчиларида ТТА ташхисини баҳолаш учун асосий мезон – бу темир зардоби миқдорининг пастлиги (≤ 18 мкмоль/л), қон зардобининг темир боғловчи юқори даражадаги умумий (ОЖСС, ≥ 60 мкмоль/л) ва латент (ЛЖСС, ≥ 40 мкмоль/л) хусусияти, трансферриннинг (КНТ%) темирга тўйинганлигининг паст коэффициенти ($\leq 20,0\%$), гемоглобиннинг паст даражаси (≤ 120 г/л), эритроцитлар миқдори ($3,75 \cdot 10^{12}$ /л), Ht ($\leq 0,36$ л/л), битта эритроцитнинг ўртача таркиби (ССГЭ, ≤ 27 пг ёки $\leq 1,68$ фмоль) ва

концентрацияси (ССКЭ, $\leq 31\%$ ёки $\leq 19,2$ ммоль/л), паст хажми(ООЭ, ≤ 75 мкм³ ёки фл).

Латент темиртанқислиги анемиясини баҳолашда (ЛТА) биз темир зардоби даражасининг пасайиши (≤ 18 мкмоль/л), Нв (≥ 120 г/л), Нб (≥ 120 г/л), эритроцитларнинг камайиши(4,25 - 375·10¹²/л), қон таркибида ферритин (Fe) даражасининг пасайиши (≤ 40 нг/мл), трансферрин даражасининг– Тф ($\geq 5,3$ г/л) кўтарилишига бўлган мойилликни кутгандик.– Тф ($\geq 5,3$ г/л). Тиббий текширувдан ўтказилган ўсмир қизларда ТТ даражаси ва ўткирлигини аниқлашда биз темир танқислиги ҳолатларининг клиник-лаборатория кўрсаткичларини стандартизация қилиш ва унификациялаш тамойилларига амал қилдик [Бугланов А.А 1998, Бахрамов Б.С. 2001, Бугланов А.А. 1991, Бугланов А.А, 2001, Русова Т.В.2011]. Улар 2008-2009 йилларда ГИТИ ва ЎзР ПК МЗ биокимё ва биотехнология лабораториясида амалга оширилган. Ўсмир қизлар орасида темир танқислигини клиник тадқиқ (скрининг) этиш учун биз мактаб ўқувчиларининг тиббий кўрик картасидан фойдаландик. Бу карта асосига С.М.Бахромов ва унинг ҳам муаллифлари (1995-1999 й.й.) тавсияларига мувофиқ темир танқислигини шифокор кўригидан аввал аниқлаш сўровнома-картаси ва темир танқислиги ҳолатларини аниқлаш алгоритми киритилган.

Темир танқислигини аниқлаш учун биокимёвий лаборатория тести сифатида биз қуйидаги формулага мувофиқ феррозин ёрдамида темир зардоби концентрацияси таърифидан фойдаландик:

$$C=A/B*447,5(\text{ммоль/л});$$

Бунда А – намунанинг нисбий зичлиги, В – калибрли намунанинг нисбий зичлиги, С – қон зардобида темир зардоби концентрацияси (мкмоль/л).

Қон зардоби трансферринини иммункимёвий усул билан аниқлаш. Ушбу усул трансферриннинг миқдорий аниқланадиган иммун комплексининг поликлонал ёки моноклонал антителалари билан ўзига хосўзаро таъсирга асосланган.

Қон зардоби трансферрин миқдори асосида трансферриннинг темирга тўйиниш коэффициентини ҳисоблаш мумкин (КНТ%):

$$\text{КНТ}=A*100/B*1,37*0,18\%$$

бунда А –темир зардобининг мкмоль/л дагимиқдоримкмоль/л, В – зардоб трансферрин миқдори(мг/100 мл). Масалан: темир зардоби 12,4 мкмоль/л,трансферрин миқдори эса 3,1 г/л:

$$\text{КНТ}=120*100/230*1,37*0,18=1240/7640=16,2\%$$

Бу тенгламининг махражи қон зардобининг умумий иммун боғловчи хусусиятини (ОЖСС) англатгани сабабли, ундан темир зардоби даражасини айириб қон зардобининг латент темир боғловчи хусусиятини аниқлаш

мумкин (ЛЖСС). ОЖСнинг меъёрий катталиклари (оч қоринга) 44,8-71,6 мкмоль/л /мкмоль/л = 0,179 мкг/100 мл, а мкг/100 мл = 55,85 мкмоль/л ни ташкил этади.

Кўриқдан ўтказилган ўсмир қизлардаги периферик қон ва эритроцитларнинг миқдорий ва сифат кўрсаткичлари қўлланма ва махсус маълумотлар адабиётида кенг нашр қилинган ва яхши маълум бўлган усуллар ёрдамида олинди литературе, шунинг учун уларнинг таърифини келтириш мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисоблаймиз ва фақат уларнинг ичидан педиатр - шифокор амалиётида кам учрайдиган баъзи бирларинигина келтириб ўтамиз.

Битта эритроцитда ўртача гемоглобин миқдори – Mean corpuscular hemoglobin (MCH), улар пиктограммаларда (пг ёки) Фмоль да ифодаланади:

$$\text{ССГЭ(MCH)} = \text{Hb(г/л)} / \text{эритроцитлар сони(мл)};$$

Пг даги ССГЭни фмольда (пг · 0,06206), фмоль ни эса пг да (фмоль · 16,11) қайта ҳисоблаш.

Битта эритроцитдаги ўртача гемоглабин концентрацияси – mean corpuscular hemoglobin concentration (MCHC), г% да ёки моль/л да:

$\text{СКГЭ(MCHC)} = \text{Hb(г/л)} / \text{Ht(л/л)} * 10 \text{ г \%}$ даги СКГЭни моль/л г% · 0,626) ёки моль/лг% (моль/л · 1,611) га қайта ҳисоблаш коэффициенти.

Битта эритроцит (ООЭ), ёки mean corpuscular volume (MCV), мкм³ ёки фл хажми:

$$\text{ООЭ(MCV)} = \text{Ht(л/л)} * 1000 / \text{эритроцитлар сони (млн)};$$

мкм³ или фл (нормал қиймат 76-96 фл).

Қон таркибидаги гемоглобин миқдорининг ТТ бўлган қизлар тана вазнининг ҳар кг га ўгирилган солиштирма оғирлиги (УСГ, г/кг) ва қондаги гемоглобинда темир (мк/кг) моддаси ва унинг танқислиги (Δ%).

Темир алмашинуви кўрсаткичлари, периферик қоннинг сифат ва миқдор кўрсаткичлари кузатув ва даволаш динамикасида – хаммаси бўлиб 4 марта ўрганилган (организмнинг темирга тўйинганлиги муддатининг туугалланиши даврига дастлабки, олти ойдан кейинги ва бир йилдан кейинги маълумотлар).

Биоферрон препарати ёрдамида ўтказилган ТТни профилактик даволашнинг самарадорлигини ўрганиш учун ва у билан Феррум-Лек (шарбати) препаратини таққослаш учун биз 1,2,3 тамойили бўйича тадқиқотлар рақамларини рандомизациялаш усулини қўлладик, яъни битта бола Биоферрон препарати (А), иккинчи бола Феррум-Лек (В), учинчиси эса Биоферрон+Феррум-Лек қабул қилган (С).

Темир препаратининг бир курслик дозаси қуйидаги формула бўйича

ҳисобланди:

бир курслик дозаси (mg) $P*(78-0,35*Hb)$, боланинг

Бу ерда P – боланинг тана вазни, Hb – кўриқдан ўтказилган бола организмдаги гемоглобиннинг соф таркиби (г/л).

Кўриқдан ўтказилган ўсмир қизларда ЛТА (латент темиртанқислиги анемияси) ҳолатларида темир препаратларининг бир курслик жами дозаси куйидаги формула бўйича ҳисобланди:

Бир курс учун темир моддаси (мг) $=P*(100-СЖ,мкг/л)/20$;

Бу ерда ТЗ – темир зардоби, унинг колнцентрацияси мкмоль/лданмкг/л га мана бундай айлантирилади: $мкмоль/л \times 1,791 = мкг/л$ (Базарнова Л.М. 1988).

Гемоглобин қўшимчаси, эритроцитлар сони, қизлар организмнинг темир билан тўйиниш тезлиги (темир зардоби даражаси, ОЖСС, КНТ%), умумий ҳолатнинг яхшиланиши, сидеропеник ичак синдромининг йўқолиши Биоферрон ва Феррум-Лек препаратларининг терапевтик самарадорлигининг критерийлари ҳисобланади. Бундан ташқари, гемоглобин даражасини 1% орттириш учун 25 мг га яқин элементар темир талаб этилишидан келиб чиқиб, даволаш жараёнида фойдаланилган темир препаратларининг биологик ўзлаштирилиш индекси (БЎИ) ҳисоблаб чиқарилди. [Румянцев А.Г. 2011, Казюкова Т.В. 2002, Румянцев А.Г. 2015.]:

Ўсмир қизлардаги темир танқислигининг ривожланиш омилига боғлиқлигини ўрганиш учун биз асосий жисмоний ривожланиш кўрсаткичларни ўргандик (баландлиги, қамрови): тана вазни (кг), тана, қўл, оёқлар узунлиги (см), бош, кўкрак айланаси (см), тананинг абсолют юзаси ва тананинг нисбий юзаси (ТНЮ, см²/кг).

Ушбу маълумотлар асосида бош айланасининг тана узунлигига (БошА/ТУ), оёқлар узунлигининг тана узунлигига (ОУ/ТУ), бош айланасининг кўкрак айланасига БА/КА), қўллар узунлигининг оёқлар узунлигига (ҚУ/ОУ)нисбати каби балоғатга етганлик шакллари индекси ўрганилди.

Тадқиқот вақтида жисмоний ўсиш йўналиши (долихо, мезо- и брахиморфия) [Иргашева С.У. 2005, Левина А.А. 2001], шунингдек жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари асосида ўзаро мослиги (гармониялилиги) ва номувофиқлиги (дисгармониялилиги) ўрганилди.

Қизлардаги (1, 2, 3, 4 баллар) иккиламчи жинсий аломатларнинг А – axis, Р – pubis, Ма – mammalis, Ме - menarhe схемаси бўйича ривожланиш даражаси тадқиқ этилди.

Эркаклик ва аёллик жиҳатларининг ифодаланиш даражасини тавсифловчи антропометрик кўрсаткичлар ўрганилди (андроморфия, гинекоморфия): кўкрак айланаси (КА), елка айланаси (ЕА), қорин айланаси (ҚА), бўкса айланаси (БА), ва уларнинг нисбати (мослиги) (БА/ЕА, БА/ҚА, БА/БА, ҚА/ЕА, ҚА/БА, ҚА/БА, БА/ЕА).

ТТ аломатлари ва синдромларининг прогнозли қийматини аниқлаш учун Е.И.Шиган (1986) тавсиясига мувофиқ меъёрланган интенсив кўрсаткичлар усулидан фойдаланилдики, унда уларнинг частотаси (f), таъсирчанлиги $\% = a/a+c*100$, ўзига хослиги $\% = d/b+d*100$ тўрт устунли жадвал бўйича аниқланди.

$\geq \pm 0,30$ қийматдан ортиқ корреляцион боғлиқликка эга бўлган 46та аломатни олдиндан аниқлаб, кўрсатилган аломатларнинг ҳар бирининг вазн индекси (K) белгиланди.

Илмий материални статистик ишлаш жараёнида нисбий катталиклар учун бурчакли ўзгартириш билан (Гублер Е.В. 1999) параметрик (Стьюдент–Фишер M, $\pm\sigma$, $\pm m$, t – критерийлари) ва нопараметрик статистика - Фишернинг аниқ усули (ФАУ) каби усуллардан, маълумотларнинг корреляцион, регрессион таҳлилларидан (Вальвачев А.В., Римша Е.Т. 1989) фойдаланилди. Рақамли материалга Microsoft Office XP (Excel 2003) дастурида ишлов берилди.

“Ўсмир қизларда темир танқислиги камқонлигининг патогенетик асослари” номли диссертациянинг учинчи бобида 12-14 ёшли ўсмир қизларда темир танқислиги ҳолатлари коиник-лаборатория хусусиятларининг маълумотлари тақдим этилган. Бизнинг тадқиқотларимизда мактаб ўқувчиларида ЛТА нинг тақсимланиши 1000 текширилган ўқувчининг 235 тасини ташкил этди ўғил болалар ва қизларда шунга мувофиқ равишда: 250 ва 241. Бу маълумотларни бизнинг регионда йигирма йил аввал ўтказилган шу каби иш (Ганиева М. Г. ва ҳаммуаллифлар 1991) билан таққосланганда ушбу муаллифлар ишида келтирилган маълумотларга нисбатан аниқландики, ҳозирги пайтда шаҳарлик болаларда ЛТА тарқалганлигининг камайиши кузатилмоқда. (1000 тадан 321, UP=4,86, $p < 0,001$). ТТА нинг тарқалганлиги бизнинг тадқиқотларда 1000 тага 249 тани ташкил этди, бу Н.Н.Чуканин ва ҳам муаллифларининг (1995) маълумотларига қараганда икки баробар юқори: 1000 тага 124 та UP=4,86, $p < 0,001$). Бизнинг тадқиқотда ЛТА ва ТТА нинг жами частотаси 1000 текширувдан ўтказилган ўқувчининг 451 тасини ташкил этди. Бизнинг материал мазкур йўналишда таҳлил этилганда аниқландики, мактаб ўқувчилар ўртасида кўпроқ енгил кўринишдаги -165 (17,7%) ва ўртача оғирликдаги -67 (7,2%, $p < 0,012$) ТТА кузатилди, унинг III даражали оғирликдаги тури эса умуман кузатилмади. Қизларда I ва II даражали оғирликдаги ТТА жами частотаси ўғил болаларга ($p < 0,05$) нисбатан икки баробар (32,5% -17,4%) кўп. Биз ЛТА бўлган қизларда Hb ($119,4 \pm 0,04 \times 10^{12}/л$ $P < 0,001$), ретикулоцитлар ($7,2 \pm 0,05$ - $8,2 \pm 0,09$ $p < 0,001$) даражаси, шунингдек, гематокрит индекс–ГИ ($0,349 \pm 0,003$ - $0,364 \pm 0,005$ $p < 0,01$) пасайганлигини аниқладик.

ТТА си бўлган қизларда периферик қон гемоглобин ва эритроцитлар даражасининг I оғирлик даражаси ($93,4 \pm 0,69$ г/л ва $3,707 \pm 0,02 \times 10^{12}/л$) дан ($84,9 \pm 0,73$ г/л ва $3,404 \pm 0,04 \times 10^{12}/л$ $p < 0,001$) гача тинмай пасайиши билан кузатилди, II оғирлик даражасида эса ранг кўрсаткичи – РК ($0,99 \pm 0,03$ шартли бирл.га нисбатан $p < 0,001$, $0,76 \pm 0,01$ ва $0,75 \pm 0,01$) пасайгани, ГИ ($0,294 \pm 0,003$, $0,260 \pm 0,005$ $p < 0,01$), битта эритроцитдаги ўртача гемоглобин

таркиби-ССГЭ ($1,86 \pm 0,02$ фмоль, $p < 0,001$ га нисбатан $1,56 \pm 0,02$, $1,54 \pm 0,02$) ва битта эритроцит хажми - ООЭ ($86,7 \pm 1,67$ фл га нисбатан $79,3 \pm 0,41$ ва $76,4 \pm 0,31$) бўлгани кузатилди.

Гемоглобин даражаси ва ССГЭ кўрсаткичларига эга бўлган эритроцитлар миқдорининг корреляцион таҳлили ССКЭ ($r = -0,424$ ($0,07$) ва ($r = -0,346 \pm 0,08$, $p < 0,05$, $p < 0,001$) маълумотларига нисбатан анча юқори салбий алоқасини кўрсатди. Бу маълумотлар бир томондан ядровий эритроцитар элементларнинг пролифератив фаоллиги (самарасиз эритропоз) пасайиши ёки эритроцитлар ҳаёти давомийлигининг қисқаришини кўрсатиши мумкин [Бугланов А.А. 1998, Григорьев К.И. 2001, Ballar S. 2000]. 12-14 ёшли ўсмир қизлар ТТАси генезида иккала омил ҳам аҳамиятга эга бўлиши мумкин. I ва II даражали ТТА си бўлган қизларда темир алмашинуви кўрсаткичлари темир танқислиги ҳолатларининг барча аломатлари билан тавсифланди, яъни плазмада темир миқдорининг камайиши ($\leq 12,5$ мкмоль/л), кон зардобининг умумий темирбоғловчи хусусияти (ОЖСС)нинг ортиши ($\geq 40,0$ мкмоль/л), ва қондаги трансферриннинг ортиши ($p < 0,001$).

Кўриқдан ўтказилган 12-14 ёшли қизларда турли даражали темир танқислигига эга бўлган темир алмашинуви кўрсаткичлари ($M \pm m$)


1-жадвал

Кўриқдан ўтказилган 12-14 ёшли қизларда турли даражали темир танқислигига эга бўлган темир алмашинуви кўрсаткичлари ($M \pm m$)

№	Текширилган гуруҳлар	Кон зардобидаги темир миқдори (мкмоль/л)	Кон зардобининг умумий темирбоғловчи хусусияти (ОЖСС) (мкмоль/л)	Кон зардобининг яширин темирбоғловчи хусусияти (ЛЖСС) (мкмоль/л)	Кон зардобида трансферрин миқдори (г/л)	Трансферрин туйинганлик коэффициенти (%)
1	Контрольная гуруҳ (n=51)	$17,8 \pm 0,52$	$59,7 \pm 0,71$	$41,9 \pm 0,56$	$2,42 \pm 0,03$	$29,8 \pm 0,37$
2	ЛТА (n=45)	$12,1 \pm 0,16$	$70,0 \pm 0,74$	$57,9 \pm 0,46$	$2,84 \pm 0,04$	$17,3 \pm 0,30$
	P ₁₋₂	$p < 0,001$	$p < 0,001$	$p < 0,001$	$p < 0,001$	$p < 0,001$
3	ТТА I дар. (n=56)	$9,14 \pm 0,23$	$74,9 \pm 0,59$	$65,8 \pm 0,77$	$3,03 \pm 0,03$	$12,2 \pm 0,36$
	P ₁₋₃	$p < 0,001$	$p < 0,001$	$p < 0,001$	$p < 0,001$	$p < 0,001$
	P ₂₋₃	$p < 0,001$	$p < 0,001$	$p < 0,001$	$p < 0,001$	$p < 0,001$
4	ТТА II дар. (n=25)	$6,37 \pm 0,26$	$81,9 \pm 0,93$	$75,5 \pm 0,42$	$3,32 \pm 0,16$	$7,78 \pm 0,49$
	P ₁₋₄	$p < 0,001$	$p < 0,001$	$p < 0,001$	$p < 0,001$	$p < 0,001$
	P ₂₋₄	$p < 0,001$	$p < 0,001$	$p < 0,001$	$p < 0,001$	$p < 0,001$
	P ₃₋₄	$p < 0,001$	$p < 0,001$	$p < 0,001$	$p < 0,001$	$p < 0,001$

Биз 12-14 ёшли қизларда ТТ нинг клиник аломатлари полиморфизминини аниқладик (1-расм). 1-расмдаги маълумотлари кўрсатдики, уларнинг орасида I ва II даражали ($28,6\%$ ва $44,0\%$, $p < 0,003$, $p < 0,001$) ТТАда аниқланган

иммунологик синдром етакчи ўринни эгаллайди, бу назорат гуруҳидаги болаларнинг (7,84%) ва ЛТА (11,1%) кўрсаткичларидан анча юқори.



1-расм. 12-14 ёшли қизларда темир танқисли клиник синдромларининг намоён бўлишининг частотаси (%)

Уларнинг орасида ТТА нинг I ва II даражаларида аниқланган иммунологик синдром етакчи ўринни эгаллайди (28,6% ва 44,0%, $p<0,003$, $p<0,001$), бу назорат гуруҳидаги болалар (7,84%) ва ЛТА (11,1%) кўрсаткичларидан анча юқори эканлигини кўрсатади.

Тарқалганлик бўйича иккинчи ўринда ошқозон-ичак синдроми (9,1% ва 16,4%, $p>0,05$, $p<0,001$ га нисбатан 26,0% ва 38,0%) туради. Шунга мувофиқ равишда ТТ синдроми камайиб бориш тартибида тақсимланади– юрак-қон томир (4,8% ва 7,8%, $p<0,002$, $p<0,001$ га нисбатан 22,9% ва 37,7%), астеновегетатив (5,51% ва 7,5%, $p<0,006$, $p<0,002$ га нисбатан 21,1% ва 30,1%) ва эпителиаль синдром (6,54% ва 12,2%, $p<0,026$, $p<0,002$ га нисбатан 18,6% ва 30,9%).

12-14 ёшли қизларда ўтказилган синдромал таҳлил маълумотларида лаборатория тадқиқотлари ўтказмасдан ЛТА аниқлаш мумкин бўлган бирор-бир клиник аломатлар мавжуд эмаслиги маълум бўлди.

ТТА ўткирлигининг синдромал таҳлиliga кўра, иммунологик, ошқозон-ичак, юрак-қон томир, астеновегетатив, эпителиалсиндромлар етарли даражадаги таъсирчанликка эга, (67,9%, 75,0%, 86,7%, 85,7%, 76,9%), яъни улар I даражали оғирликда касалликни организмда пайдо бўлганда аниқлай олади, аммо ТТА I-даражасида бу синдромлар ўзига хос хусусиятларга эга бўлмайди, (64,7%, 52,9%, 53,3%, 52,6%, 51,1%). Юқорида кўрсатилган ТТА синдромал симптоматикаси фақат ТТАнинг барча аломатлари яққол намоён бўлганда, яъни унинг II даражасидагина ўзига хос хусусиятларга эга бўлади.

“Ўсмир қизларда темир танқислиги камқонлигининг патогенетик

асослари” номли диссертациянинг тўртинчи бобида 12-14 ёшли қизларда назорат гуруҳидагиларга нисбатан ЛТА ривожланишида темир танқислиги анемиясининг ривожланишида ўсиш омилларининг тана ЛТА $149,6 \pm 0,76$, $p < 0,05$ га нисбатан $163,2 \pm 0,71$), қўл ($65,1 \pm 0,7$ $p < 0,01$ га нисбатан $68,6 \pm 0,44$) ва оёқлар ($78,1 \pm 0,54$, $p < 0,05$ га нисбатан $79,5 \pm 0,37$) узунлиги, шунингдек, тананинг нисбий юзаси - ОПТ ($418,8 \pm 17,6$, $p < 0,001$ га нисбатан $649,4 \pm 8,76$)нинг ортиши билан ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро шартланганлиги тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Бу маълумотларни таҳлил қилиб, ЛТА бўлган қизларнинг бўйига жадал равишда ўсишининг бирламчи ташаббускори тўқималар гипоксияси омили эканлигини сезиш мумкин (гемогипоксия хали ривожламаган).

Кўриқдан ўтказилган I даражали ТТА бўлган қизларда назорат гуруҳидагиларга нисбатан тана ($153,5 \pm 0,86$), қўл ($68,3 \pm 0,47$), оёқ ($81,1 \pm 0,58$) узунликлари қийматининг баландлиги билан бирга тана вазни ($44,8 \pm 0,87$, $p < 0,05$), бош айланаси ($55,1 \pm 0,20$ $p < 0,01$), тананинг абсолют юзаси - АПТ ($1,38 \pm 0,02$, $p < 0,01$) ҳам ортган, ОПТ ($537,5 \pm 9,03$) эса ЛТА бўлган қизларга нисбатан ($p < 0,001$) пасайган.

Қизларда II даражали ТТАда жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари-ТВ ($47,3 \pm 0,63$ кг), ТУ ($155,4 \pm 0,86$ см), Бош/ай ($55,3 \pm 0,20$ см), Кўкр./ай ($78,2 \pm 0,66$ см), қўл узунлиги ($69,3 \pm 0,44$ см), оёқлар узунлиги ($81,9 \pm 0,43$ см), АПТ ($1,43 \pm 0,14$ м²) ОПТ ($520,6 \pm 8,34$ см²/кг) анча ортган ($p > 0,001$), аммо ТТА нинг I ва II даражаларини таққослаганда уларнинг, тана вазни ($47,3 \pm 0,63$ кг, ($p > 0,05$), кўкрак қамрови ($78,2 \pm 0,66$ см, ($p < 0,01$) ва АПТ ($1,43 \pm 0,14$ м², тафовутлари унча катта бўлмади ($p > 0,05$).

Қизлардаги темир зардоби таркиби ва тана вазнининг корреляцион таҳлилида ($r = +0,457 \pm 0,02$, $p < 0,05$) ва АПТ ($r = +0,427 \pm 0,04$, $p < 0,01$), яқин ижобий боғлиқлик кузатилди, ($r = +0,285 \pm 0,13$, $p > 0,05$) тана узунлиги билан эса бундай боғлиқлик бўлмади. Бундан ташқари, бу боғлиқлик тана вазни ($r = +0,619$) ва АПТ ($r = +0,622$) кучли равишда ортганда янада яқинроқ болади.

II даражали ТТА, ЛТА ва I даражали ТТАнинг ривожланишида назорат гуруҳидагига нисбатан қизларда кўкрак айланаси КҚА (кўкрак қафаси айланаси) ($74,0 \pm 0,96$, $75,2 \pm 1,01$, $75,1 \pm 0,73$ см, $p < 0,001$, $p < 0,05$, $p < 0,01$ га нисбатан $78,2 \pm 0,66$) ва елка айланаси ($1,4 \pm 0,31$, $22,3 \pm 0,22$, $22,0 \pm 0,19$ $p < 0,01$, $p > 0,05$, $p < 0,05$ га нисбатан $22,9 \pm 0,13$) катталашади.

КҚА/ҚА (қорин айланаси) ($1,12 \pm 0,01$ ва $0,001$ га нисбатан $1,16 \pm 0,01$) ва КҚА/БА (бўкса айланаси) ($1,85 \pm 0,02$, $1,89 \pm 0,02$, $p < 0,01$ га нисбатан $1,94 \pm 0,23$) индексларининг назорат гуруҳидагига ЛТА бўлган қизлардагига нисбатан анча ортиши тананинг юқори сегментларида кўпроқ ёғ қатлами пайдо бўлишини (яъни, “эркак типи” бўйича) кўрсатади. Таъкидлаш жоизки, ушбу курсаткичнинг (КҚА/БА) ортиши ўсмир қизларнинг андроидал морфотипини тавсифлайди, бу эса дисменорея, гирсутизм ва фарзанд кўриш функциясининг бузилиши каби оқибатларга олиб келади. Бу маълумотлар шунингдек, ТТ(ТТА) нинг аниқ намоён бўладиган тури билан оғриган қизлар организмнинг яхши етилмаганлиги билан ҳам тасдиқланадики, улар етуклик шакли индекслари ёрдамида ўрганилади.

I ва II даражали ТТА бўлган ўсмир қизларда БА/ТУ кўрсаткичлари БА/ТУ ($0,36\pm 0,002$ ва $0,35\pm 0,003$, $p<0,01$, $p<0,001$) индексларининг назорат гуруҳидаги қизлардагига нисбатан ($p<0,01$ назорат гуруҳига нисбатан $p<0,01$ ($0,37\pm 0,002$), БА/КҚА нинг ($p<0,01$ назорат гуруҳига нисбатан $0,74\pm 0,001$ $0,373\pm 0,006$ ва $0,71\pm 0,007$) камайиши билан, ОУ/ТУ нинг ($p<0,01$ назорат гуруҳига нисбатан $0,52 - 0,53\pm 0,002$) ортиши билан тавсифланади. ЛТА бўлган қизларда ҚУ/ОУ ортган ($p<0,01$ назорат гуруҳидаги га $0,84\pm 0,004$ нисбатан $0,86\pm 0,005$). Бинобарин, ТТА бўлган қизлар учун етилиш шаклларида бироз орқада қолиш ва қўл – оёқларнинг диспластик ривожланиши характерли ҳисобланади.

Кўриқдан ўтказилган ТТ бўлган қизларда қон яратувчи органлар эритропоэтик функцияларининг чекланганлиги бевосита ёшга ва тана вазнига Нб нинг нисбатига боғлиқлигидан келиб чиқади (УСГ, Нб г/кг). Соғлом қизларда УСГ ўртача $9,15\pm 0,10$ г/кг ни, ва шунга мувофиқ 12-14 ёшда ($8,9\pm 0,15$, $9,2\pm 0,17$ ва $9,3\pm 0,23$ г/кг, $p>0,05$, $p>0,05$) ни ташкил этади. ЛТА бўлган қизларда УСГ назорат гуруҳидаги қизлар кўрсаткичларига таққослаганда жиддий фарқ кўринмади, аммо ушбу гуруҳ ичида катта фарқ мавжудлиги маълум бўлди. Масалан, ЛТА бўлган 12 ёшли қизларда УСГ паст ва 13-14 ёшда у анча кўтарилган. I даражали ТТА бўлган қизларда УСГ анча пасайган ва бу ҳолат кўриқдан ўтказилган турли ёшдаги қизларнинг барчасида кузатилган. II даражали ТТА бўлган қизлардаги УСГ шунга мувофиқ 12-14 ёшда анча пасаяди ($6,96\pm 0,12$; $7,37\pm 0,13$ ва $6,72\pm 0,08$ г/л, $p<0,001$).

13-14 ёшли қизлар I даражали ТТА ривожланганда эритроцитар темир алмашинуви интенсификацияси жуда пасайиб кетади ва ЛТА да темир алмашинувининг кучайишига нисбатан у 2,04 ва 2,66 га тушган, яъни I даражали ТТА бўлган қизларнинг ёши қанчалик катта бўлгани сари темир алмашинувининг жадаллиги шунчалик паст бўлади. I даражали ТТА ривожланишида 13-14 ёшда бу нисбатлар 12 ёшдагига нисбатан бор-йўғи 17,2% ва 9,32% ни ташкил этди, яъни ЛТА бўлган қизларнинг кўрсаткичларидан 5,44 ва 11,7 паст. Бу маълумотлар ЛТА бўлган қизларда эритроцитлар ҳосил бўлишида суяк илигининг эритропоэтик фаоллигининг ортишини билвосита англатадики, бу УСГ нинг ортишига, бинобарин организмда 13-14 ёшда айниқса намоён бўладиган эритроцитар темир пулининг ортишига олиб келади.

“Ўсмир қизларда темир танқислиги камқонлигининг патогенетик асослари” номли диссертациянинг бешинчи бобида ТТ нинг турли даражасига эга бўлган ўсмир қизларда “Биоферрон” витаминли минерал комплекс ва таркибида темир бўлган бошқа препаратларни қўллашнинг терапевтик самарадорлигининг солиштирма тавсифи келтирилган. Темир препаратларини тайинлашда (Биоферрон, Феррум-Лек) биз организмнинг темир препаратларига тўйинишининг босқичлили ва динамиклиги тамойилларига амал қилдик. Темирга тўйинтириш муолажаси даврининг якунига келиб кузатилаётган барча гуруҳларда Нб статистик жиҳатдан ишончли ортиб боргани аниқланди ($p<0,001$).


